

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВА МАДИНА АСКАРОВНА

ИНГЛИЗ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЭТИКА ТЕРМИНОЛЕКСИКАСИНИНГ
ИНФОРМАЦИОН ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА
ЭКВИВАЛЕНТ ИФОДА ЭТИЛИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 811.111'373.46'04:81.25:811.512.133

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Шукурова Мадина Аскаровна

Инглиз Уйғониш даври этика терминологиясининг информицион тузилиши
ва унинг ўзбек тилида эквивалент ифода этилиши 3

Шукурова Мадина Аскаровна

Информативная структура английской терминологии этики Возрождения и
её эквивалентная передача на узбекский язык 23

Shukurova Madina Askarovna

Informative structure of the English terminology of the Renaissance ethics and its
equivalent transfer into the Uzbek language 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВА МАДИНА АСКАРОВНА

ИНГЛИЗ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЭТИКА ТЕРМИНОЛЕКСИКАСИНИНГ
ИНФОРМАЦИОН ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА
ЭКВИВАЛЕНТ ИФОДА ЭТИЛИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Fil1524 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шадманов Қурбон Бадриддинович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедов Ойбек Сапорбаевич**
филология фанлари доктори (DSc), профессор

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

тилшунослиги замонавий концепциясида лисоний ҳодисаларни янги парадигма – антропоцентризм қонуниятлари чегарасида талқин қилиш, маданиятлараро алоқалар дискурсида дунё тиллари қаторида лингва франка мақомини эгаллаган глобал тиллар терминосистемаси бирликларининг социолингвистик, коммуникатив-лисоний, лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан этика концептосферасига мансуб терминологияни лисоний/ғайрилисоний тафаккур доирасида чоғиштириш, терминларнинг ижтимоий жиҳатдан шартли белгилари, идеографик функционалликларини миллий андазалар асосида таҳлил қилиш муҳим долзарблик касб этади; шу билан бирга терминларнинг деривацион қонуниятлари, уларнинг металингвистик тизимлаштирилиши, уларнинг терминологик динамизмига доир назарияларни илмий баҳолаш имконини ҳам беради.

Дунё тилшунослиги терминосфераси майдонида терминларнинг структур-семантик, морфологик, тизимли, лексикографик, лексик-семантик ва деривацион хусусиятлари, шаклланиши ва фаолияти муфассал ўрганилган. Аммо, этик терминларнинг матндаги парадигматик, синтагматик, коммуникатив-прагматик хусусиятлари, фалсафаси, этимологик ва семантик жиҳатлари, этик терминологик қатлам ва интенционал таркиби, этик-фалсафий, илмий матнларда қўлланиладиган лексик қатлам чегаралари ва нисбатлари, умумий стратификацияси, объектив воқелик ҳодисаларини тадқиқ қилишни тақозо этади. Бу аввало, унинг ривожланишидаги энг умумий ҳисобланган тенденцияларни аниқлашга, уларнинг мотивацион характерини таҳлил қилиш усулларини ўрганишга, инглиз тилидаги этик атамаларнинг семантикасини замонавий ўзбек тилига эквивалент таржима қилиш механизминини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг миллий тараққиёт босқичида дунё ҳамжамиятига интеграллашуви ўзбек тилшунослигида ҳам муҳим ислоҳотларга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Хусусан, хорижий тилларнинг назарий асосларини ўрганиш ва бу тадқиқотлар натижаларини тил ўқитиш амалиётига узлуксиз тадбиқ этиш долзарб вазифалардан биридир. Хорижий тилларни назарий ва амалий ўзлаштириш халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий-инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари қошида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялари, юқори технологиялар марказлари ва технопарклар яратиш»¹га қаратилган вазифалар тилшунослик соҳасида тадқиқотлар кўламинини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»//газета «Народное слово» № 28 от 08.02.2017 г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадим замонлардан бошлаб этик тафаккур, унинг фалсафаси ва категориал-концептуал аппаратининг шаклланишида инсониятнинг энг буюк даҳолари: Гераклит, Демокрит, Платон, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Жомий, Навоий, Леонардо да Винчи, Шекспир, Френсис Бэкон, Томас Мор, Гоббс, Вольтер, Руссо, Дидро, Жорж Мур, Лессинг, Кант, Шеллинг, Гегель ва бошқалар² ҳисса қўшиб келишган.

«Термин» тушунчасига қўйиладиган меъёрий талаблар илк бор рус терминологик мактабининг асосчиси Д.С.Лотте томонидан «атаманинг тизимлилиги, контекст билан боғлиқ эмаслиги, қисқалиги, мутлақ ёки қиёсий бир маънолилиги, соддалиги ва равшанлиги, атаманинг жорий қилиниш даражаси»³ сифатида шакллантирилган. Р.Г.Пиотровский «терминология тилнинг луғат таркибидаги бошқа қатламлар ва сўзларнинг асосий фонди билан чамбарчас боғлиқдир, лекин у ўзини биринчи навбатда тилнинг сўз яшашнинг умумий воситалари билан боғлиқ бўлган терминларнинг шаклланишида намоён бўлади»⁴ деб ҳисоблайди.

² Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – М.: Искусство, 1984. – С. 5-43; Овсянников М.Ф. История эстетической мысли. – М.: Высшая школа, 1984. – 336 с.

³ Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии: вопросы теории и методики. – М.: Изд-во АН СССР, 1961. – 158 с.

⁴ Пиотровский Р.Г. К вопросу об изучении термина // Уч. зап. ЛГУ, Сер. филологических наук. – Л.: Изд-во ЛГУ, – 1952. Вып. 18. – № 161. – С. 15-21; Татаринов В.А. История отечественного терминоведения. – Т.2.:

Инглиз ва бошқа хорижий тилларда⁵, шунингдек, рус тилшунослигида⁶ умумий ва хусусий терминология соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбек тилшунослигида И.Х.Содиқова, С.Х.Нурматова, О.С.Ахмедов, Д.Х.Қодирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова ва С.Т.Мустафоевалар⁷ терминология муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар.

Бинобарин, Муҳаммад Гайбер инглиз ва араб тиллари материалида лингвистик терминологиянинг сўз ясовчи суффиксларини ўрганган; В.В.Антимированинг тадқиқоти рус лингвистика терминологиясининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Ўзбек тилшунослигида Д.К.Қодирбекова инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг лингвистик хусусиятларини илмий асослаб берган, С.Т.Мустафоева - Хитой тилшунослигида терминларнинг лексик ва семантик хусусиятларини, Ҳ.В.Мирзахмедова форс тилида транспорт терминларининг шаклланиш усулларини кўриб чиқди.

Аmmo шуни таъкидлаш жоизки, ҳар хил тизимли тилларнинг лингвистик терминлари ҳали тадқиқот предмети бўлмаган, қиёсий жиҳатдан етарлича кўриб чиқилмаган ва нисбатан, ўзбек тилшунослигида қиёсий лексикография кам ўрганилган йўналишлардан биридир⁸.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Прагмалингвистика,

Направления и методы терминологических исследований. Очерк и хрестоматия. Кн.1. – М.: Московский лицей, 1995. – 333 с. – С. 205-206.

⁵ Al-Ismail Yazid. Towards an interest-based approach to terminological competence acquisition: PhD dissertation. – Ohio: Kent State University, 2017. – 319 p.; Cabre M.T. Terminology: Theory, Methods and Applications / Ed. Juan C. Sager / – Amsterdam: Benjamins, 1999. – 248 p.; Helmi B. Sonneveld, Kurt L. Loening. Terminology: applications in interdisciplinary communication. – John Benjamins Publishing Company, 1993. – 228 p.; Jamal Mohamed Giaber. Translating derivational suffixes in linguistics terminology from English into Arabic. PhD dissertation. – University of Edinburgh, 1999. – 331 p.; Sue Ellen Wright and Gerhard Budin. Handbook of terminology management. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2001. – 564 p.

⁶ Антимирова В.В. Лексико-семантические и деривационные характеристики русской лингвистической терминологии: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2011. – 223 с.; Гатаулина В.И. Английская терминология в диахроническом освещении: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1989. – 16 с.; Колесникова Е.А. К проблеме становления русской лингвистической терминологии (вторая половина XVIII – первая треть XX вв.): лексикологический и лексикографический аспекты: Дисс. ... канд. филол. наук. – Красноярск, 2011. – 191 с.; Куликова И.С., Салмина Д.В. Введение в металингвистику (системный, лексикографический и коммуникативно-прагматический аспекты лингвистической терминологии). – СПб.: САГА, 2002. – 352 с.; Петросянц Э.Г. Лингвистическое терминополье: структура, семантика, деривация (на материале английского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2004. – 187 с.; Уткина Л.Н. Функциональные аспекты лингвистической терминологии в разных подходах к изучению языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 28 с.

⁷ Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 174 с.; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование аэроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2000. – 24 с.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. доктори ... дисс. – Т., 2016. – 255 б.; Қадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 44 б.; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур катламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 45 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.

⁸ Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида): Фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Т., 2018. – Б. 29.

функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз Уйғониш даври этика терминологиясининг информацион тузилишини ўрганиш ва унинг ўзбек тилида эквивалент ифода этилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

этик-фалсафий матнларда қўлланиладиган ва ҳар қандай илмий матнга хос бўлган турли лексик қатламларнинг чегаралари ва нисбатларини аниқлаш;

фан сифатида этиканинг мазкур матнлардаги лексикасининг умумий стратификациясига предметли мазмунининг таъсир қилиш характерини белгилаш ва очиқ бериш;

миллий инглиз тилида этика умумий атама тизимининг асоси сифатида этик терминологик қатлам таркибини аниқлаш;

ҳар томонлама акс эттириладиган семантик муносабатларнинг умумэтироф этилган талқин қилиш имконини берадиган объектив мезонларини топиш;

этика терминосистемасининг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш ва унинг функционал чегараларини белгилаш;

этика атамаларининг матндаги семантик, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Уйғониш даври этика терминологиясини ўз ичига олган инглиз лексикографик манбалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини лексикографик манбаларда акс эттирилган Уйғониш даври инглиз этика терминологиясининг ахборот-таркибий хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, қиёсий ва мантиқий умумлаштириш, ижтимоий-маданий, лингвокогнитив, фалсафий-баҳолаш, функционал ва тарихий-генетик тадқиқот усуллари, шунингдек моделлаштириш, дифференциал таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Уйғониш даври ва Янги Даврнинг ворисий вакили бўлган инглиз файласуфлари тилидаги илмий-этик тизим, шунингдек, унинг ўзбек тилига эквивалент тарзда берилиши натижасида таҳлилий схемага киритилган номлар нафақат аниқ шахсларнинг белгилари, балки даврнинг ҳукмрон таъсири рамзлари эканлиги асосланган;

тадқиқ этилаётган давр этика терминологиясининг ўзига хослиги махсус семантика, этика ва ахлоқ соҳаси билан бевосита боғлиқ қўланилиши, унинг фанлараро табиати ва ягона талқинда ишлатиладиган тушунча маъносини етарли даражада етказиш зарурати билан боғлиқ бўлган фиксация ва қўлланилиш соҳасидаги сўзларни бевосита тартибга солиш зарурлиги аниқланган;

тадқиқ этилаётган давр инглиз тили этика терминологиясининг реципиент тилда семантик (маъно) жиҳатлари генетик-культурологик,

ижтимоий-тарихий ва лисоний-маданий омиллар таъсирида шаклланганлиги, шунингдек, ушбу терминлар инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда юзага келганлиги далилланган;

инглиз Уйғониш даври этика терминологикасининг ўзбек тилида эквивалент ифода этишнинг бирламчи омилларини матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблиги ҳамда тиллараро семантик, структурал ва функционал хусусиятлари, иккиламчи омилларини эса терминларнинг динамик табиати ва характери ташкил этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

Этик-фалсафий табиатга эга XVI-XVII аср инглиз матнларида татбиқ этилган лексикаларини табақалаштириш йўли билан ишлаб чиқилган тамойилларнинг стратификацияси билан боғлиқ янги назарий қоидаларни асослаш учун таҳлил ва тавсиф усуллари ишлаб чиқилган;

Этик-дидактик маъноли, жумладан, ўз ичига умумфойдаланиш лексика қатламларини олган инглиз матнларидан мисолларни таҳлил қилиш жараёнида умумилмий (абстракт-фалсафий) лексика ва ихтисослаштирилган этика лексикаси қатлами аниқланган;

тадқиқот натижаларидан ўқув қўлланмаларини ёзишда ва инглиз тили тарихий лексикологияси, таржима назарияси ва амалиёти, матн тилшунослиги курслари бўйича ўқув-услугий тавсиялар тузишда, шунингдек, инглиз тилини ўқитиш амалиёти бўйича махсус курслар учун моделлаштириш усулларини, дифференциал таҳлил элементларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий ҳамда бадий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар тавсифий, қиёсий ва мантикий умумлаштириш, ижтимоий-маданий, лингвокогнитив, фалсафий-баҳолаш, функционал ва тарихий-генетик таҳлил воситасида асосланганлиги, шунингдек, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз Уйғониш даври (XVI-XVII асрлар) инглиз тилидаги этик-фалсафий матнларига нисбатан ишлаб чиқилган луғат стратификацияси тамойилларининг ўзгариши, ушбу даврнинг алоҳида шаклланиб бораётган махсус умумилмий лексикасининг ажралишига асос бўлган ўзига умумфойдаланишдаги луғат бойлиги, умумий-илмий (абстракт-фалсафий) лексика ва этика лексикаси қатламларини қамраб олган этик-дидактик маънодаги матнларнинг сифат таркибини ажратиш имкони юзага келганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг натижалари матн тилшунослиги, инглиз тили тарихий лексикологияси, таржима назарияси ва амалиёти бўйича махсус семинарлар ташкил этишда, тил ўргатиш амалиётида, янги авлод ўқув адабиёт ва луғатларларни тайёрлашда кенг қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек, тадқиқот материаллари янги кўринишдаги ўқув қўлланмалари,

ўқув-услугий мажмуалар, луғатлар, маъруза матнларини яратишда, турли диссертацион тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Ўрганилаётган давр этика лексикасининг лексик-семантик таҳлилини ўрганиш натижалари ва чиқарилган илмий натижалар асосида:

тадқиқ этилаётган давр этика терминларини муқобил таржима қилишнинг муҳим омиллари, матнга хос бўлган интертекстуаллик, контекстуал вазият, тиллараро семантик, структурал ва функционал хусусиятларига доир хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 88-87-1825/04-сон маълумотномаси). Натижада миллий инглиз этика терминларини таржима қилиш жараёнида шакл ва мазмун мутаносиблиги/номутаносиблигининг воқеланиши, таржима тавофутларини келтириб чиқарувчи омиллар, терминларнинг миллийлик табиати, маданият, тил ва услуб алоқадорлигини тизимли илмий талқин этиш имконияти яратилган;

тадқиқ этилаётган давр этика терминологиясининг ўзига хослиги махсус семантика, этика ва ахлоқ соҳаси билан бевосита қўланилиши, унинг фанлараро табиати билан боғлиқ хулосалардан И-204-4-5 рақамли «Ахборот-коммуникация технологиялари асосида виртуал ресурсларни яратиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 30 июндаги 1385/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада ягона талқинда ишлатиладиган этика терминлари маъносини етарли даражада етказиш зарурати билан боғлиқ бўлган фиксация ва қўлланилиш соҳасидаги сўзларни бевосита тартибга солиш зарурлиги аниқланган;

инглиз Уйғониш даври этика терминологиясининг тил тизимидаги ўрни, аҳамияти, хусусан, миллий терминологияни ривожлантиришда инглиз тилидан кириб келган этика терминларининг тилимиздаги муқобилларини ишлатиш билан боғлиқ натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўжиза» теледастурларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 июндаги 562-сон маълумотномаси). Натижада этика терминологиясига аниқлик киритилган бўлиб, унга оид тушунчалар қўлланилиши, жумладан, этика терминларини лингвистик нуқтаи назардан тўғри ишлатилиши ҳамда нутқ маданиятининг шаклланиши борасида тавсиялар шакллантирилган;

инглиз Уйғониш даври этика терминологиясининг ахборот тузилмаси ва унинг ўзбек тилида эквивалент ифода этилишини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижа ва хулосаларидан Бухоро давлат университетидан 2018-2019 йилларда бажарилган АҚШнинг SUZ800-18-IN0049 рақамли «Китобхонлар клуби» мавзусидаги хорижий лойиҳани бажаришда

фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 29 июндаги 05-01-0315-сон маълумотномаси). Натижада мулоқот жараёнида этика терминларидан фойдаланишга оид янгича қарашлар юзага келган; ўқувчи-китобхонларда лингвистик ва коммуникатив кўникмаларнинг ривожланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та, жумладан, 12 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, улардан, 6 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти намён қилинган, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ижтимоий-этик лексиканинг лисоний табиати**» деб номланган ва қуйидаги учта параграфдан иборат: «Замонавий тилшуносликда терминологик муаммолар», «XVI-XVII асрлар инглиз тилшунослигида умумий тилшунослик назариялари ва лексикада меёр амалиёти» ва «Этика лексикасини шакллантириш ва тизимлаштиришнинг тарихий фони ва социолингвистик асослари». Боб терминологик тизим тузилишида этика термини лингвистик табиатининг моҳиятини очиб беришга бағишланган.

Лексик тизимнинг ривожланишини таҳлил қилиш учун, қоида тариқасида, диахрон таҳлил усули қўлланилади, чунки А.Мейенинг фикрига кўра, «ўзгаришларнинг ўзини кузатиш мумкин эмас, фақатгина уларнинг натижаларини кузатиш мумкин. Натижада, тилларнинг ривожланишини кузатиш ва натижаларни фақат солиштириш орқали кузатиш мумкин»⁹. Терминология махсус лексиканинг энг муҳим қисми бўлиб, айнан у «нарсалар, ҳодисалар, табиат, жамият ва тафаккурдаги жараёнларнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ишлаб чиқариш, тўплаш, синтез қилиш ва умумлаштиришда фаол қатнашади». Терминологик тизим бир-бирининг

⁹ Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. – М. - Л.: Государственное социально-экономическое издательство, 1938. – С. 18.

ўзаро муносабатидан олинган маълум бир билим соҳасида қўлланиладиган барча атамалар йиғиндисидан иборат. Терминологик тизимнинг тузилиши – унинг таркибига кирадиган терминлар ўртасидаги муносабатларнинг табиатидир.

Ишончимиз комилки, диахрон тадқиқотлар терминларнинг лексик-семантик шаклланишининг айрим қонуниятларини аниқлашга имкон беради, бу эса, шубҳасиз, тармоқ терминологиясини тизимлаштириш ва тартибга солиш учун муҳимдир. Бундан ташқари, бундай тадқиқотлар натижалари тил тарихида ва жамиятнинг босқичма-босқич ривожланишида сўзларнинг терминологизацияси жараёнининг динамикасини очишга имкон берганлиги сабабли катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Бундай қарашларнинг узоқ гуллаб-яшнаши ва тилга бундай ёндашувнинг сабаблари тушунарли эди. Бу, асосан, бутун Европа ва хусусан Англия учун намунали ҳисобланган лотин тилининг узоқ ҳукмронлиги билан боғлиқ эди. Бироқ, шунга қарамасдан, лотин тилининг илмий ва адабий ҳаётга кучли таъсири Англияда XVIII асргача¹⁰ сезилиб турди. Томас Мор ва Френсис Бэкон ўз асарларини лотин тилида ёздилар. Бу яна бир бор шуни кўрсатадики, XVI аср бошларида инглиз тили ҳали ҳам адабиёт тили сифатида тан олинмаган, лотин тили эса мулоқот воситаси сифатида ишлатилмаса ҳам, инглизларнинг она тилига нисбатан жамоатчилик қарашларини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатишда давом этган.

Биринчи гуруҳ тарафдорлари инглиз тилини мукаммаллаштириш учун уни ўзлашма сўзлар билан бойитиш керак, деб таъкидлаган, шу билан бирга тилга бошқа тиллар, айниқса мумтоз ва француз тилларидан олинган сўзлар билан бойитишга тўлиқ эркинлик берилиши кераклигини таъкидлаганлар. Қарама-қарши нуқтаи назар тарафдорлари бошқа ғояни таъкидладилар. Улар инглиз тилини мукаммаллаштиришнинг йўли хорижий тил лексикасининг оқимини чеклашда эканлигига амин эдилар, чунки улар ўзлашма сўзлар тилни бузиб, унга ривожланиш ва такомиллашишда ўз ички ресурсларидан фойдаланишда тўсқинлик қилади, деб ҳисоблаганлар. Биринчи гуруҳ вакилларига У.Кэстон, У.Тиндаль, Т.Элиот, У.Кэмден, Дж.Драйден, Дж.Пети, Т.Бландевиль, Т.Диггес ва бошқаларни киритиш мумкин¹¹. Иккинчи нуқтаи назарни қўллаб-қувватловчиларга олим, нотик, таржимон ва давлат арбоби Т. Уилсон; Кембриж университети профессори ва юнон соҳасидаги таниқли мутахассис Жон Чик; машҳур «Инглиз шеърляти санъати» (1589) номли машҳур китобнинг муаллифи Ж.Путтенхэм; шоир ва драматург «Қофияни ҳимоя қилиш» (1603) машҳур асарининг муаллифи Сэмьюэль Даниэль; Томас Кэмптон ва айниқса машҳур драматург, шоир ва грамматика мутахассиси («Дарахт, ёки одамлар ва амаллар ҳақида фикрлар» (1641) Бен Жонсон ва бошқалар киради¹².

Инглиз тилининг илмий-фалсафий адабиёт тили сифатида ўрнатилиши анча мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу давр фан тилида жиддий ўзгаришлар

¹⁰ Ступин Л.П. Указ. соч. – С. 25.

¹¹ Mc Knight G.H. The evolution of the English language from Chaucer to the 20th century. – N.-Y.: Dover Publications, 1968. – P. 114; Baugh A.C., Cable Th. A History of the English Language. Third ed. – London: Routledge and Kegan Paul, 1978. – P. 31.

¹² Baugh A.C. Opus cit. 1978. – P. 265.

бўлмади, чунки «лотин тили Англия она тили ҳаётида XVI-XVII аср ва ҳатто XVIII аср атрофида инглиз адабий тили меъёрларини излаш ишлари олиб борилаётган марказни ташкил қилган»¹³. Шунга қарамай, 1531 йилда Томас Элиот инглиз тилида «The Governour»/«Ҳукмдор» китобини ёзди ва бу она тили - инглиз тилида илмий иш яратишдаги биринчи уриниш эди. Гарчи ўша даврда инглиз тилида ҳали ўзига хос тармоқ терминология мавжуд бўлмасда, Т.Элиот буни инглиз тилида жиддий асарлар ёзиш мумкинлигини кўрсатиш учун атайлаб қилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Терминологик бирликларнинг комбинатор-компонент ва функционал-синтактик таҳлили”** деб номланган. Боб параграфлари инглиз тилининг лексик-семантик тизими билан боғлиқ бўлган тадқиқот методологиясига бағишланган бўлиб, биз уни «лексик бирликларнинг семантик муносабатларининг бутун соҳаси, уларнинг бир-бири билан ва тилнинг бошқа жиҳатлари элементлари билан ўзаро таъсир турларининг ўзига хослиги, сўз белгиларнинг семантик ўзгариши натижаларини лингвистик ифодалаш шартлари ва шакллари» деб белгилаймиз. Тил эволюциясининг ички таъсир ва ташқи омилларини таърифлаб, «тил лексикасининг бойиши ривожланиш ҳодисаларига боғлиқдир», дегани ўринлидир. Инглиз тили тарихида ўзлашма сўзлар шундай ҳисобланади деб айтиш мумкин. «Ўзлашма сўзлар - эволюцион омил ва тил ривожланишининг муҳим манбаидир, чунки «луғат бойлиги (лексика) - ҳар қандай ташқи таъсирларга «очик» бўлган тилнинг майдони, жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида содир бўлган барча ўзгаришлар акс этадиган майдон»¹⁴. «Инглиз тили тарихи ва лексикография тарихи шунини кўрсатадики», инглиз луғат бойлиги учун ўзлашма сўзлар - асосий мавзудир¹⁵. Академик В.В.Виноградов асарларида бир неча бор алоҳида сўзларнинг семантик ривожланишини ўрганиш муҳимлиги таъкидланган¹⁶, чунки «сўзларнинг семантик тарихини ўрганиш уларнинг маънолари ва семантик таркиби ривожининг объектив суратини яратади»¹⁷.

Турли элементларнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчириш жараёни ўзлашма (ўзлаштириш) деб аталади. Бундай талқинда терминларни қабул қилиш, бизнингча, тадқиқотимизнинг асосий мақсади - ўзлаштиришнинг энг муҳим жиҳати сифатида XVI-XVII асрларда инглиз тилидаги ўзлаштирилган этик луғатнинг семантик жиҳатини – ассимиляция қилишнинг мураккаб жараёнини ўрганишда ёрдам беради. Этик-фалсафий лексика сўзларининг

¹³ Ступин Л.П. Проблема нормативности в истории английской лексикографии XV-XX вв. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1979. – С. 42.

¹⁴ Княк Т.Р. Проблема лингвистического упорядочения терминологии // Лексикология. Терминоведение. Стилистика. – Москва-Рязань: Пресса, 2003. – С. 90-96; Новьюхова Н.В. К вопросу о калькировании в хантыйском языке // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И.Герцена. – СПб.: Издательство РГПУ им. А.И. Герцена, – 2008. – № 65. – С. 242-246.

¹⁵ Олдырева Л.П. Именованье речи: (На материале американских словарей компании Мерриам-Уэбстер): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1978. – С. 5.

¹⁶ Виноградов В.В. Лексикология и лексикография. Избранные труды. – М.: Наука, 1977. – 312 с.; Уфимцева А.А. К определению и изучению семантики слова // Аспекты семантических исследований. – М.: Наука, 1980 – С. 5-80.

¹⁷ Шадманов К.Б. Особенности становления и развития английской философии Возрождения (категориально-понятийный аспект): Дисс. ... доктора филос. наук. – Т., 2006. – С. 18; Canfield L.R. *Turko-Persia in Historical Perspective*. – Cambridge: Cambridge University Press, 1991. – P. 150.

мазмунни фақат уларнинг ҳақиқий қўлланилиши, яъни матндаги ўрни орқали тўлиқ намоён бўлади. Шунинг учун XVI-XVII аср вакиллари (Т.Мор, У.Шекспир, Ф.Бэкон, Э.Спенсер, Ф.Сидней, Д.Донн ва бошқалар) мазмунни ва жанри жиҳатидан хилма-хил бўлган матнлари ушбу тадқиқотнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. Асосий лексикографик манба сифатида эса The Shorter Oxford English Dictionary on Historical Principles (SOD) (ed. Onions, Oxf., 1968) ва инглиз муаллифлар томонидан яратилган махсус фалсафа луғатлари хизмат қилди.

Семантик ва синтактик параметрларни кўриб чиқишда XVI-XVII асрлардаги ўзлашма сўзларнинг ишлатилиши қуйидагича тавсифланади: 1. Ўрганилаётган лексиканинг синтагматик боғланишлари таҳлили бошланғич даврда комбинацияларнинг асосий моделлари ва уларнинг контекстдаги партнёрлари (шериклари)ни аниқланди: а) отли - N+prep+N(N+of+N); Pron+N (Pronpers+N; Pronind+N); N+conj. +N; N+and+N; N+or+N; A+N; б) феълли - V+prep+N; Vmod. +N; Vbe+N. Семантик тузилишининг муайян чекловларига қарамасдан, таҳлил қилинган лексика ҳам тўлиқ маънодаги, ҳам хизмат сўзлари билан барча мумкин бўлган комбинацияга киради. Ушбу янги ўзлашмаларнинг инглиз тилида қўлланилишининг дастлабки даврида турли хил конструкциялардан фойдаланишда чекловлар аниқланмади. 2. Биринчи юз йил ичида ўзлашган тил асосида қурилмалар сони кўпайди. Улар турли хил тузилишлари билан ажралиб туради. Хусусан, ўзлаштирувчи тилда ўзлашма сўзлар қўлланилишининг бошланғич даврида қайд қилинмаган моделлар кўшилди: Ns+and+Ns; Ns+prep+Ns; N's+N; N+to+N; Num+N; N+upon+N; N+of+Pron. Икки компонентли комбинациялар устунлик қилди, улар орасида энг кенг тарқалган модел A+N (Adj.+N) ҳисобланади. Шунингдек, N+prep+N моделидаги бирикмалар сони ҳам сезиларли даражада кенгайиши кузатилиб, бу ерда ишлатиладиган олд қўшимчалар доираси ортди. N+prep+N моделидаги олд қўшимчани аниқлаш унинг типини хилма-хил шаклланишига олиб келади N+between+N; N+upon+N; N+withN ва ҳ.к., бошланғич даврга хос моделларнинг кўпроқ учратиш ҳолати ҳам ортди. (Мисол учун: cause of ratiocination, inequality of, of coherence, fact of knowledge, gradation of consequence). XVI-XVII асрлардаги ўзлашма сўзлар билан сўз бирикмаларини таҳлили 9 асосий моделларнинг мавжудлигини аниқлади, замонавий инглиз тилида эса 23 моделлар умумий қабул қилинган ҳисобланади.

Семантика нуқтаи назаридан бирикувчи луғат (сўз туркумлари бўйича) қуйидагиларга бўлинади:

Феъллар: а) аниқ ҳаракат: show, hide; б) ҳаракатлар: move, follow, quit; в) сезгилар: see, feel; е) ақлу идрок: know, conceive; д) семантик умумий сўзлар: do, become.

Отлар: а) шахсий: Jeroms', Lucretias', Adams', Wallenstein; б) йиғма: Greeks', Romans, men, women; в) касблар, лавозимлар, мавқелар номлари: master, mere-hand, cardinal, Emperor, Prince; г) диний тавсифли: God, Angel, soul; д) мавхум: observation, harmony, cooperation, sequence, uniformity, process, cause, judgement, consequence, evidence.

Сифатлар ҳам ўз ўрнида бир неча гуруҳларга бўлинади: а) ҳиссий баҳолаш: pretty, dearest, sweet, marvellous, great; б) миқдор: all, many, full of; в) муайян хусусиятлар: bashful, English, mild, sober, vestal, wantom; г) сифат хусусияти: 1) тасодифийлик - sudden, accidental, causal, unusual; 2) салбий баҳо - ungodly, shamefast, indecent, cruel, ill; 3) ижобий баҳо - generous, wrathful. Олмошлар: any, some, my, those, this, all. Олд кўшимчалар: in, with, by, for, of, from, to.

Этика сўзларнинг умумдабий лексикасига қатлам сифатида таъсир этиш жараёни кузатилади, хусусан: XVI-XVII асрлардаги таҳлил қилинаётган ўзлашма сўзларнинг бирикувчи лексикани ўз таъсир доирасига жалб этиб, унга ихтисослаштирилган маъноларни беради ва ниҳоятда уни муайян тарзда атамалаштиради: а) отли - process of ratiocination, discourse of ratiocination, elucidation of doctrine, materiality of world, gradation of consequences, accidental identity, experience of modesty; б) феълли - to commit fact, to impeach modesty, to abhor fact, to be inconsequence, to dissolve penalty, to defioe transition.

Лексик бирликлар томонидан маънавий-этик фикрни билдиришга хос бўлган янги маънолар, билимнинг ихтисослаштирилиши, уни алоҳида фанга ажратиш муносабати билан этика тилини босқичма-босқич профессионал таснифлаш жараёни мавжудлигини тасдиқлайди (anticipation, concurrence, gradation etc.): «anticipation is when we prevent those wordes that another would saie» (T.Wilson. Rhetorics. P.100) (SOD, P.75); «so shall my anticipation prevent your discovery» (Shaks. Haml. 11.2. 304).

Ўзининг келиб чиқиши/вужудга келишига кўра этика лексикаси икки гуруҳга бўлинади: 1) она тили луғатидан ўзлашган (асл (қатлам) лексикасидан келиб чиқиш) сўзлар ва 2) бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар. Янги ўзлашма бирликлар қўлланилишининг айрим хусусиятларини қайд этиш керак: а) луғатларда топилган, аниқлик ва соддалик муҳим элементлардан бири ҳисобланган муаллифнинг изоҳлари; б) қуйидаги мисолда берилгани каби кўпинча синонимлар ёрдамида ёки тавсифловчи тарзда таржима қилинадиган перифразалар: ratiocination is, that cometh of logie of any Commodity, or to ecaheve any discomodity, levity, lightnesse, inconstancie.

Диссертациянинг учинчи боби «**Инглиз этика терминологиясининг семантик-мавзувий тавсифи ва унинг ўзбек тилида эквивалент ифода этилиши**» деб номланган. КОЛ (Катта Оксфорд луғати) асосида XVI-XVII асрлар этика луғати корпусини батафсил таҳлил қилиш бизга давр этикасининг бутун лексикасини семантик-концептуал жиҳатдан ўхшаш 4 ТТга ажратиш имконини берди:

1-жадвал

Этика луғати корпусини КОЛ бўйича тематик гуруҳларга тақсимлаш

Гуруҳлар сони	Гуруҳлар номи
1.	Умумий этик категориялар
2.	Инсон характерининг хусусиятлари
3.	Инсон ақлий салоҳияти хусусиятлари
4.	Инсоний муносабатлар турлари

Тадқиқот даври учун этика тушунчалари лексикасини ташкил этган сўзларнинг умумий корпуси 215 сўзни ташкил этади. Этика ТГ лексикасининг ўзаги шакллантириляётганда бу гуруҳлар сўзлари қадимги инглиз даврида қайд этилган, лекин уларнинг айниқса жадал тўлдирилиши XIV-XV асрларга мансуб (сўзларнинг умумий сонидан 120 та), энг юқори тўлдирилиш пайти XIV асрда (75 та сўз). Этика сўзларининг аксарияти классик ўзлашма сўзлар, асосан латинизмлардир. КОЛ¹⁸ ва Скит Этимологик Луғати¹⁹ бўйича ўрганилган лексикаларининг этимологик таҳлили натижасида XVI асрнинг тушумлари аниқланди:

2-жадвал

Этика лексикасига оид тушумларнинг этимологик таҳлили

1.	латинизмлар	155 та бирлик	а) тўғридан-тўғри ўзлашма б) воситачи тил орқали кирган – француз тили сўзлари	57 та сўз 98 та сўз
2.	француз тилидан тўғридан- тўғри ўзлашма	21 та бирлик		
3.	юнончадан	2 та бирлик		
4.	асл қатлами	23 та бирлик		
5.	бошқа тиллар	5 та бирлик		

Этимологик таҳлил шуни кўрсатдики, таҳлил қилинаётган тематик (мавзувий) гуруҳларнинг (ТГ) она тили лексикаси этик характердаги отлар орасида муҳим роль ўйнамайди. Гибрид тартибдаги лексик бирликлар (9 та сўз) ўрганиляётган материалнинг ўзига хос хусусияти эмаслиги ҳам маълум бўлди. Умуман олганда, шуни таъкидлаш мумкинки, этика ТГлари шаклланишининг асосий манбаи лотин (155 та сўздан 215 та бирлик) бўлиб, шунинг учун этика базасининг асосини асл қатлам (23 та сўз) эмас, балки латинизмлар ташкил этади.

Тематик (мавзувий) гуруҳлар асосида тақдим этилган таҳлил қуйидагиларни кўрсатди.

1. *Умумий этик категориялар:* XVI аср охирида, инглиз тили луғати таркибига «чалкашлик ҳолати» маъносида, келиб чиқиши лотин тилидан *nonplus* (лот. дан *nonplus* «no more») янги ўзлашма сўзи кириб келади. Этимон тилида *nonplus* «no more, no further» – «етарли даражада, етарли (ундан ортиқроғи мумкин эмас)» ибораси мавжуд эди. Бу сўз биринчи марта 1582 йилда «Beunge now brought to a non plus in argueing.» (SOD, P.1336.) – «баҳслашишда ҳовлиқиб қолиш ҳолати», «ундан ортиғи бўлиши мумкин эмас» ҳолатига олиб келиш деган маъно билан қайд этилган. Контекст «ҳовлиқиб қолиш ҳолати» - бу баҳс, мунозара оқибати эканлигини кўрсатади. Лотин тилида *nonplus* ибора вазифасини бажарган бўлса, инглиз тили

¹⁸ The Shorter Oxford English Dictionary on Historical Principles (SOD). Revised and Edited by C.T. Onions. – Oxf.: The Clarendon Press, 1968. – 2515 p.

¹⁹ Skeat Walter W. A Concise Etymological Dictionary of the English language. – N.Y.: Perigee, 1980. – 674 p.

замирида сўнги биринчи ўн йилликларда дефис ёрдамида қўлланиш тенденцияси кузатилган ва бу тил таракқиёт қонуниятларига тўлиқ мос келиб, асрнинг 20-йилларидан бошлаб сўзнинг қўшиб ёзилиши мустақкам тасдиқланган. Лотин тилидаги ибора сифатида қабул қилинган *nonplus* бир сўз сифатида ишлатилган ва ҳис қилинган.

*Nonplus*нинг XVI асрдаги лексик эквиваленти «ҳовлиқиб қолиш ҳолати» маъносида *perplexity* (лотинча *perplexitas, perplexus*) бўлиб, у XVI асрда илк бор (хроника): «*Succoure Scotland and remede that stad is in perplexyte*» – «Шотландиядан ажралиб чиқиш ва ҳовлиқиб қолиш ҳолатида ёмонликни тузатиш» (*Chronicles, VII.3625*) (*SOD, P.1477*) деб қўлланилган. Шундай қилиб, ёзув тили учун *perplexity*, драма тилига эса *nonplus* хосдир. Янги *nonplus* сўзи бир жанрни ифодалаш доирасидан ташқарига чиқади ва биринчи 100 йиллик охирида забур ва драматик асарларда ўзини билдиради ва бу ерда баҳолашлар, мулоҳазалар ва шахсий хулосаларнинг катта субъективлиги намоён бўлади. «Ҳовлиқиб қолиш ҳолати» маъносидаги *nonplus* ва *perplexity*ни параметрик таққослаш *perplexity* устунлигини аниқлади: бу борада тенг миқдордаги феъл бирикмалари билан отли ибораларнинг фарқи яққол кўзга ташланади. 2. *Инсон характерининг хусусиятлари*: XVI асрнинг иккинчи ярмида (1565) «бузилиш, хато кўрсатиш» маъносида, келиб чиқиши лотинча *falsification* (лотинчадан *falsificare* «ёлғон қилиш») янги сўз ўзлашган ва бу Jewellда «... He shoareth up a ruious mater with the falsification of his Doctours.» – «... у олимлари томонидан бузилган маълумотларнинг ҳалокатли ҳолатини кўрсатади» (*SOD, P.672*) биринчи бўлиб қайд этилган. Янги ўзлашган сўзнинг биринчи қўлланилиши талқини билан бирга келмаганига қараганда, *falsification* она тилида сўзлашувчига ўша пайтда инглиз тилида умумий илдизга - *falseness, falsehood* (XIII аср) эга бўлган сўзлар мавжудлиги туфайли тушунарли эканлиги намоён бўлади. Таҳлил қилинаётган даврда бу сўз ҳали кенг қўлланилмайди ва чекланган миқдордаги муаллифлар (Донн, Хукер, Скарлет, Топсел, Тейлор) томонидан асосан ёзишмалар ва илмий наср жанрида қўлланилади. Янги ўзлашманинг бу маънода ишлатилишининг нисбий камдан-камлиги XVI асрда бир қатор сўзларнинг мавжудлиги билан изоҳланади, уларнинг семантик мазмуни «бузилиш; хато кўрсатиш» тушунчасига ҳам мос келади. *Counterfeit* – «сохта», яъни, «номоддий ёки мавҳум нарсаларга ёлғон тақлид қилиш» (XVI аср); *perversion* – «бузилиш, бузуклик (ҳақиқатнинг)» (XIV аср); *falsery* – «бузилиш, алдаш, ёлғон» (XVI аср).

Бу сўзларнинг барчаси «бузилиш»нинг семантик асосини ўз ичига олади ва айни пайтда уларнинг ҳар бири ушбу тушунчанинг қўшимча маъноси мавжудлиги билан тавсифланади. Таъкидлаш лозимки, *counterfeit* ва *perversion* XVI асрда ўз маъноларини актуаллаштиради ва *falsery* сўзининг ўзи XVI асрда биринчи марта пайдо бўлган. Семантик жиҳатдан таҳлил қилинган сўзга энг яқин бўлган *perversion* - лотинча этимологияга оид сўз бўлиб, у XVI аср охирида Виклифда илк бор қайд этилган. Бироқ, у жуда камдан-кам ҳолларда ишлатилган, асосан илмий наср жанрида учраган, мисол учун, Ф. Бэконда: «*Women to govern men, ... slaves freemen, ... being*

total violations and perversions of the laws of nature and nations» – «аёллар эркаклар устидан, куллар шахарликлар устидан хукмронлик қилишади... бу табиат ва миллат қонунларини тўлиқ бузиш ва аралаштириш сифатида» (Bacon. Holy War 1.528) (SOD. P. 1481).

«Алдаш, бузиш, фирибгарлик» маъносидаги *falsehood* сўзи XVI асрда юқори даражадаги аниқлик билан характерланди, яъни бу сўзнинг семантик таркиби юқоридаги барча сўзларнинг семантикасини, жумладан, янги ўзлашган *falsification* сўзини тўлиқ камраб олади. *Falsehood*нинг гибрид ҳосил бўлиши дастлаб XIII асрга (1230) тааллуқли бўлиб, ўша пайтда «мутлақ ёлғон», «ёлғон», «алдаш» маъноларини англатган. XIV аср таҳлил қилинаётган даврда долзарб бўлган «бузилиш, алдаш» (1340) ЛСВ пайдо бўлади. Таҳлил қилинган даврда бу сўзнинг уйғунлашувида ҳеч қандай чекловлар аниқланмади. Таҳлил қилинган *falsehood* сўзи турли жанрдаги 10 та муаллифнинг 20 та асарида учраган. Энг кўп Томас Мор (6 та асарда 15 марта) ва Эдмунд Спенсер (4 та шеърда 16 марта) асарларида учрайди. Шекспир, Томас Уайет, Жон Донн, Фр.Бэкон асарларида бу камроқ кузатилади. Жанрли тақдирот кенглиги *falsehood* сўзининг таҳлил қилинаётган маънодаги (илмий наср (рисола), поэма, драматик асарлар, солнома) ишлатилиш частотасини белгилайди. Қизиғи шундаки, Фр.Бэкон *falsehood* сўзини таҳлил қилинган маънода фақат 2 марта ишлатади ва фақат битта – Advancement of Learning асарида қўллайди. Муаллиф таҳлил қилинаётган даврда ўзининг умумий «хато, софизм, нотўғри далил» маъносида қўлланиладиган, шунингдек, терминологияда – «софистика, хато» маъносида келган мантиқ соҳасидаги яна бир лотинча ўзлашма сўз - *fallacy* (XV аср) ни афзал кўради.

Фр.Бэкон томонидан қўлланилган *fallacy* сўзи терминликни юқори даражасини ўзида намоён қилади, бунда мавҳум характердаги сўзларнинг кенг доираси билан бирикади ва унинг илмий соҳага мансублиги асло ҳам шубҳа туғдирмайди: form of ~; softhistical ~; defection ~; ~ of interpretation. Бу ерда муаллифнинг 2 та асари - Advancement of Learning ва De Augmentationда 9 та сўздан фойдаланилган. Бошқа муаллифлар учун бу сўз хос эмас, ҳеч бўлмаганда таҳлил қилинган давр учун буни таъкидлаш мумкин. XV асрда француз тилидан олинган *counterfeit* (O.F. contrefet, -fait, ра pple of contrafaire, f.Lat. type contrafacere) сўзига келсак, у XVI асрда бир оз бошқача маънода, яъни «a false or spurious imitation» – «сохта ёки сохта тақлид» маъносида ишлатилган.

Counterfeit сўзи сохталаштириш, тақлид билан боғлиқ алдаш турларидан бири сифатида *falsification*га яқин бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ушбу тушунчанинг барча сўзлар гуруҳининг қиёсий-чоғиштира таҳлили шуни кўрсатадики, XVI асрнинг янги ўзлашма *falsification* сўзи семантик доминант бўлиб қолмади; бу ролни *falsehood* (XIII аср) сўзи тегишли ЛСВ доирасида ўз зиммасига олди ва унинг актуаллашиши тушунчанинг семантик доирасига тўлиқ мос келади. Таҳлилнинг барча параметрларига кўра, *falsehood* сўзи устунлик қилади ва ҳар холда XVI асрда *falsification* сўзи периферияда қолади. Давр муаллифларининг аксарияти *falsehood* сўзини «алдаш, бузиш» маъносида ишлатадилар. Жанрли ифодалаш доирасининг кенглиги унинг

